

Бақара сураси, 50-оят

09:05 / 30.08.2017 2938

Ва ўзингиз назар солиб турганингизда денгизни ёриб, сизни қутқариб, Оли Фиръавни ғарқ қилганимизни эсланг! Бақара 50.

Мазкур ҳодиса Маккада нозил бўлган оятларда батафсил баён қилинган. Бу ўринда эса сураинг умумий ҳолатига мувофиқ, Бану Исроилга Аллоҳ берган неъматлар қаторида бир оятда қисқагина зикр қилиняпти.

Мусо алайҳиссалом Бану Исроилни Мисрдан олиб чиқиб кетаётганларида, Фиръавн одамлари билан қувлаб келиб қолади. Шунда Аллоҳ денгизни иккига бўлиб, йўл очади ва Бану Исроил ўтиб оладилар. Ортларидан Фиръавн одамлари билан тушганда, Аллоҳ уларни ғарқ қилади.

Бу кун Бану Исроил учун маълум ва машҳур кундир.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтилишича:

«Набий алайҳиссалом Мадинаи Мунавварага келганларида яҳудийлар Ошуро куни рўза тутаётган эканлар. Буни кўриб:

- Рўзасини тутаётган кунларингиз қандай кун? - деб сўрадилар. Улар:

- Бу кун яхши кун, бу кунда Аллоҳ таоло Бану Исроилни душманидан қутқарган кун. Мусо алайҳиссалом Ошуро рўзасини тутганлар, - дейишди. Набий алайҳиссалом:

- Сиздан кўра Мусога биз яқинроқмиз, - дея ўша куннинг рўзасини тутдилар ва тутишга буюрдилар».